



“是” [shì] “БЎЛМОҚ” УНСУРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК САТҲДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР

Тўхтамишев Абдурасул Абдураззоқ ўғли,
СамДЧТИ докторанти

Калим сўзлар: сифат сўз туркуми, олмош сўз туркуми, от сўз туркуми, феъл сўз туркуми, боғловчи, ёрдамчи сўз.

“是” [shì] - бўлмоқ феълнинг хитой тилида қўлланилиш ҳолати турли даврларда турлича бўлган. Қадимги хитой тилида мавжуд бўлган “是” [shì]нинг айрим вазифалари замонавий хитой тилида йўқ бўлиб кетган ёки, аксинча, замонавий хитой тилида пайдо бўлган янги вазифалари қадимги хитой тилида учрамайди. Замонавий хитой тилининг ёзма ва оғзаки шаклида “是” [shì]нинг ишлатилиш қўлами анча кенг бўлиб, унга оид қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларнинг айримларида “是” [shì]ни гап бўлаги сифатида тавсифланган бўлса, бошқаларида грамматик компонент сифатида қаралган. “是” [shì]ни тўлиқ англаб, тушуниб, керакли жойда тўғри қўллаш олиш учун тил ва нутқ ўртасидаги боғланишларни англаш лозим бўлади.

Биз аввал “是” [shì]нинг турли сўз туркумлари вазифасида қўлланиш ҳолатини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

I. “是” сифат сўз туркуми сифатида:

а) “Тўғри” деган маънони ифодалашда ишлатилади. Масалан,

1) 实 迷途 其 未 远, 觉 今 是 而 昨 非。

Адашиши узоқ эмас, англадимки, бугун тўғри, кеча нотўғри.
(Изох: Ҳақиқатда йўлдан адашиши узоқ эмас, англадимки бугунги кун тўғри, кечаги кун нотўғри)

2) 斗争历史短的, 可以因其短而 不负责; 斗争历史长的, 可以因其长而自以为是。

Қисқа тарихга эга бўлганлар қисқа тарихлари сабабли масъулиятсиз бўлишлари мумкин; узоқ тарихга эга

бўлганлар узоқ тарихлари туфайли ўзларини тўғри деб ҳисоблашлари мумкин.

б) “Ҳар бир, ҳамма, ҳар қандай” маъноларни ифодалаш учун ишлатилади. Масалан:

1) 是个有良知的人都会这么做

Ҳар бир виждонли инсон буни бажара олади.

2) 是学生就要用心学习。

Талабаларнинг барчаси чин кўнғил билан илм олишлари керак.

II. “是” олмош сўз туркуми сифатида.

“Бу” маъносини ифодалашда ишлатилади.

1) “当是时, 妇手拍儿声, 口中鸣声, 儿含乳啼声, 大儿初醒声, 夫叱大儿声, 一时齐发, 众妙毕备”。³¹

Бу пайтда, аёлнинг гўдақларини қўллари билан юпатишлари, майин овозда уни эркалайётган овози, гўдақнинг йиғи аралаши онасини эмаётгандаги овози, катта болаларнинг энди уйқудан уйғонгандаги инжиқликлари, эркаларнинг баланд овозда болаларга бақирлишлари, буларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида жуда ажойиб ҳолда уйғунлаштирилиб тасвирланган;

“是日更定, 余拿一小舟, 拥毳衣炉火, 独往湖心亭看雪。”³²

“Бу куннинг ўзгариши билан, устимга мўйнали кийимимни кийиб, ўзим билан кичик печкачани олиб, кичик қайиққа ўтирдиму, ёғайётган қордан бахраманд бўлиш учун қўл ўртасига қараб йўл олдим. Бу гапда қўлланган “是” “бу” маъносини ифодалаб келаяпти.

III. “是” от сўз туркуми сифатида.

³¹ 林嗣环《口技》

³² 明朝张《湖心亭看雪》



а) Расмий хизмат фаолиятига доир матнларда ишлатилади. Масалан, 范曄 нинг 后汉书 桓谭冯衍列传》 асарида шундай жумла бор: “君臣不合, 则国是无从定矣” – “*Ҳокимият ва халқ мос бўлмаса, давлат ишлари бир маромда кетмайди*”.

“国事” ва “国是” омонимлар, иккаласи ҳам от сўз туркумига кирази ҳамда “давлат иши, давлат ишига доир, расмий” деган маъноларни англатади. Шу билан бирга фарқли томонлари ҳам мавжуд:

1. Иккаласининг ишлатилиш вазияти ҳар хил, “国事” давлат учун жуда аҳамиятли бўлган ишларни ва давлатнинг одатдаги ишларини ифодалашда ишлатилади; “国是” давлат қарорларини ҳамда муҳим режаларини ифодалашда қўлланилади.

2. Фойдаланиш объекти ҳар хил, “国事” давлат ички ва ташқи ишлари баёни вазиятларида ишлатилади, масалан, “国事访问” “*Давлат ишлари бўйича расмий таширф*”, яъни давлат раҳбарининг таклиф қилинган меҳмонлар билан расмий учрашуви; “国是” эса фақатгина ўша давлатнинг ишларига алоқадор ишларда қўлланилади:

在我国, 人民代表大会是人民行使国家权力的机构, 全国人大代表到北京参加全国人民代表大会就是“共商国是”

Халқ вакиллари мажлиси кенгаши халқ давлат ҳокимиятини амалга оширадиган орган ҳисобланади. Мамлакатнинг барча вакиллари ушбу мажлисга қатнашиши учун Пекинга келиши “共商国是” дейлади.

3. Нутқда қўлланилиш ҳолати бўйича фарқланади, “国事” кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилса, “国是” ёзма нутқда ишлатилади:

“疏上, 夺俸一年。呜呼! 国是所归, 往往如此矣。”³³

Императорга ҳурматсизлик қилиш, бир йиллик маошдан айрилишидир! Ууух! Давлат сиёсати шундай.

4. Гаптаги грамматик вазифаларида фарқли томонлари бор. Иккаласи ҳам от

сўз туркуми ҳисобланиб, гапта эга, тўлдирувчи вазифасида келади, лекин, “国事” гапта аниқловчи вазифасида ҳам келиши мумкин. Масалан, “国事访问” “*Давлат ишлари бўйича расмий таширф*”. “国是” эса аниқловчи вазифасида келмайди.

IV. “是” гапта боғловчи сифатида келиб, қўлланилиш ҳолати ва вазифасига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) – *га қарамасдан*, деган маънони ифодалаб келади. Масалан, 我是有点胖, 但不影响美观 – *Мен семиз бўлишимга қарамасдан, бу менинг гўзаллигимга таъсир қилмайди; 成绩是不怎么好, 但他确实很努力 – Имтиҳон натижалари ёмон бўлишига қарамасдан, у аслида жуда тиришиб ўқийди.*

2) “Сабаб”, “Мақсад” “Учун” маъноларини ифодалаб, “是” ўзидан кейин 因为, 由于, 为了 каби сўзларни олади: 她考试不挂科是平时很用功 – *У барча имтиҳонларни яхши топширишининг сабаби доимо тиришиб ўқишидир; 现在认真实习是为了积累工作经验 – Ҳозирда жиддий ўқишдан мақсад яхши иш топшидир.*

3. Гапта “是... 还是...?” шаклида келиб, сўроқ гап турини яшашга хизмат қилади. Масалан, 今天答辩是优秀还是良好? – *Бугунги ҳимоя аъло даражадами ёки яхшими?; 今天你放跑了敌人, 你说说你是有意还是无意的? – Сен бугун душманни қўйиб юбординг, сен менга айт-да сен буни атайлаб қилдингми ёки атайлаб эмасми?*

V. “是” гапта равиш вазифасида ҳам келади:

1. Бунда “Тасдиқлаш” маъносини ифодалаб, гапта белгисиз қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан, 我的论文肯定满分吧? 我就是问问, 没别的意思 (Wǒ dì lǚnwén kěndìng mǎnfēn ba? – *Менинг диплом ишимга, албатта, энг юқори балл қўйилгандир? Мен шунчаки сўрадим, бошга ҳеч нарса.*

2. “Итоат этмоқ”, “Рози бўлмоқ” маъноларини ифодалайди. Масалан, 长官:

³³ 明黄道周《节寰袁公传》



“你的任务结束，去叫下一个同志进来。”
Офицер: “Сенинг вазифанг тугади, навбатдагини чақир”. 兵: “是”。
(Шібінг: “Ші”) – Солдат: “Хўп”; А: “你去外边等我”. Б: “是!” – А: “Сен ташиқарига чиқиб мени кут”. Б: “Хўп!”

3. “是” морфема вазифасини бажарганда, сўз ёки иероглифдан кейин келиб, даража равишларини ҳосил қилади. Масалан, 更是、甚是、很是、煞是、最是 шулар жумласидандир. Улар, одатда, ўзларидан кейинги от билан боғланмайди. Морфема вазифасида келган “是” ақлий фаолият билан боғлиқ бўлган феъл ва сифатни ифодалайди:

а) 此人甚是厉害，不可轻易招惹。

Бу одам жуда кучли, осонгина кўрқитиб бўлмайди.

б) 这厮最是无耻，总干偷鸡摸狗的事情。

У юзсиз бола, доим ўғирлик қилади.

с) 他更是艺高人胆大，自己先上了擂台。

У жасур инсон, унинг ўзи биринчи бўлиб саҳнага чиқди.

VI. “是”нинг феъл вазифасида келиши.

1. 认为……正确 (“Тўғри деб ҳисобламоқ”) маъносини ифодалаб келади. Масалан, “是己而非人,俗之同病”³⁴. Изоҳ: 认为自己是正确的, 认为别人是错的, 这是世俗的通常的毛病 – Ўзини ҳақман деб ҳисоблаш, бошқаларни эса ноҳақ деб ҳисоблаш, бу дунёда кўп учрайдиган энг катта камчиликдир.

2. “Текшириш” маъносини ифодалаб келади. Масалан, 是正. Ҳозирги замонавий хитой тилида “текшириш” маъноси 订正, 校正 орқали ифодаланади.

3. Боғловчи бўлиб хизмат қилади. Масалан, 我是撒马尔罕国立外国语学院的学生 – Мен Самарқанд давлат чет тиллар институти талабасиман.

4. “Бор бўлмоқ”, “Мавжуд” маъноларини ифодалайди. Масалан, 我的对面是各位论文考核老师 – Менинг

рўпарамда диссертацияни баҳолайдиган ўқитувчилар бор.

5. “Ён бермоқ”, “Паст кетмоқ” маъноларини ифодалаб келади: 大家都中五百万了, 下一个应该是我了吧 (大家都中五百万了, 下一个应该是我了吧) – Ҳамма беи миллиондан ютди, кейингиси, албатта, мен бўлишим керак.

6. “Ўхшамоқ” маъносини ифодалаб келади, бунда гапларда метафорик ўхшатиш усулидан фойдаланилади. Масалан, 她是夜明珠, 暗夜里, 放射出灿烂的光芒 – У тунги марвариддир, қоронғида ҳам ёруғ нур таратади; 村长是我们的领头羊, 带领大家奔小康 – Қишлоқ оқсоқоли бизнинг йўлбошимиз, у бизни фаровон ҳаёт томон бошлайди.

VII. “是” ёрдамчи сўз бўлиб ҳам келади, тўлдирувчини кесимдан олдин келишига замин яратади. Масалан, 唯利是图 (фақат фойдага интилмоқ), бу ерда 唯 (фақат) – равиш, 利 (фойда) – тўлдирувчи, 图 (интилмоқ) – кесим ҳисобланади. Эътиборлиси, хитой тили гап структурасида аввал кесим, кейин эса тўлдирувчи келади, яъни гап шакли аслида 唯图利 бўлиши керак, лекин, 是 орқали тўлдирувчи кесимдан олдин келаяпти. Бошқа бир мисол, 唯命是从 (фақат буйруққа бўйсунуш) олайлик. Бу ерда 唯 (фақат) – равиш, 命 (буйруқ) – тўлдирувчи, 从 (бўйсунуш) – кесим. Гапнинг асл шакли 唯从命 деб олсак, 是 орқали 命 从 дан олдин келаяпти. Бу ҳолат, асосан, қадимги хитой тилида учраган, ҳозирги замонавий хитой тилида бунақа ҳолат деярли учрамайди.

³⁴ 刘开《问说》



Фойдаланилган адабиётлар:

1. , Wang Li “The copula in Chinese grammar” 1937.
2. 夏征农主编.辞海 [M] .上海：上海辞书出版社.1979
3. 刘兰玲.探析《论语》中“是”的用法及其发展流变[J].白城师范学院学报， 2007
4. 高级汉语大词典 [M] .上海：商务印书馆.1998
5. 吕叔湘.中国文法要略 [M] .北京：商务印书馆.1982
6. 马建通.马氏文通 [M] .北京：商务印书馆.1983
7. 黎锦熙.新著国语文法 [M] .北京：商务印书馆.2000
8. 高名凯.汉语语法论 [M] .北京：商务印书馆.1986

Тухтамишев А. Функционирование конструкции “是” [SHÌ] “БЫТЬ” на морфологическом уровне. Данная статья посвящена анализу употребления глагола «是» [shì] в китайском языке. В древнекитайском языке широко использовалась форма «是» [shì], и она выполняла различные функции в речи. Однако сфера ее использования в современном китайском языке ограничена. Учитывая разнообразие ее функций, в этой статье мы рассмотрим «是» [shì] как морфологическую единицу.

Tuxtamishev A. About the use of the construction “是” [SHÌ] “to be” on morphologic level. This article is devoted to the analysis of the use of the verb “是” [shì] in the Chinese language. In ancient Chinese, “是” [shì] was widely used, that is, it performed various functions in speech. However, the scope of use in modern Chinese is limited. Given the variety of its functions, in this article we will look at “是” [shì] as part of speech.